



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
13 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 99
(11.902)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-муруват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва сойишталлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган муносабати билан:

1. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.
2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта мuddатда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури Концепциясини тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўливларини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.

Бунда куйидаги масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:
– ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндошувни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;

– амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга куйидагиларни назарда тутган кўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

а) аҳоли ночор қатламларининг турли тоифаларига, биринчи гада ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган балоғатга етмаган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

б) кексалар ва ногиронлар уйлари, болалар уйлари ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;
в) 2 ёшгача болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла кўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

– «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шжорини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

– аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишини ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш;

– жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она – соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар

колежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрталари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишлар белгилаб олинсин;

– «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйлари ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмининг янада такомиллаштириш;
– ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага кичириш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш;

– хурматли фахрийлар ва пенсионерларнинг соғлом ва сермаъно ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёрдамга муҳтож одамларга беғараз ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик томонидан уларнинг кенг қўламада эътироф этилиши ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш.

3. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргаликда Концепция асосида 2007 йилнинг 20 январигача «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2006 йил 12 декабрь.

И. КАРИМОВ.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 декабрь кuni Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

– Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар суръат билан ривожланиб бораётганига яна бир тасдиқдир, – деди Ислам Каримов. – Ўтган йилнинг ноябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўзaro алоқаларнинг суръати ва кўлами шу ҳужжатга мос равишда изчил ошиб бормоқда. Биз гуманитар соҳадаги ҳамкорликка кўп қиррали ўзарo муносабатларимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида қараймиз.

Президент Ислам Каримов давлатларo муносабатларини ривожлантиришда иктисодий, сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳалардаги алоқалар қаторида гуманитар ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Зерo, шу орқали ўзарo ишонч мустаҳкамлади ва ҳамкорлигининг янги уфқларини очиб имконияти пайдо бўлади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларини янги босқичга кўтарди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларни қамраб олган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий алоқалар ҳар томонлама ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари гуманитар соҳага оид қўшама дастурлар орқали мавжуд алоқалар кўламини янада ошириш тарафдоридирлар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида иш бошлаган М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу даргоҳда Россиянинг танили олимлари талабаларга амалий математика ва информатика ҳамда психология йўналишлари бўйича дарс бермоқда.

Албатта, мазкур филиалнинг очилиши борасида мамлакатларимиз Президентларининг келишуви муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, бу келишувни амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон ва Россиядаги кўплаб масъул шахслар ҳам жонбозлик кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримов мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиевага «Дўстлик» орденини, Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийга «Фидокорона хизматлари учун» орденини топширди.

Ж. Поллиева ва В. Садовничий юксак эътибор ва салимий раҳбар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

ЎзА.

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация 12 декабрь кuni қатор вазирлик ва идораларда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазирини Р. Қосимов билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида барча жаҳалларда бўлгани сингари, фан ва таълим соҳасида ҳам алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзaro алоқалар 2005 йил ноябрь ойида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида мустаҳкамлаб бораётди.

Томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорлигининг бугунги аҳоли ва истиқбол юзасидан фикр алмашди, келгусида бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилли-

гининг 15 йиллиги арафасида Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали очилган эди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳида амалий математика ва информатика ҳамда психология йўналишлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Меҳмонлар ушбу таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашдилар. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган таълим соҳасидаги қонун ва дастурлар юксак самара бераётгани таъкидланди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Фанлар академиясида ҳам музокаралар ўтказди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»га Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар томонидан бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 26, 47-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5, 7, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 25-Ибн Сино, 75-Зангиота ва 86-Қўқон сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган куйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Тошкент вилояти 75-Зангиота сайлов округи бўйича:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Яшаш жойи	Номзод кўрсатган органнинг номи
Матибаев Таспoлат Балтабаевич	1961	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК темирйўлчилар касабa уюшмаси Марказий кўмитасига қарашли «Сихаттоҳ» санаторийсининг бош шифокори	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси
Мирзажанова Хайрияна Халматовна	1947	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари	Тошкент вилояти, Уртачирчиқ тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Шарипов Ориф Муҳамедович	1956	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари	Тошкент вилояти, Қизил-Туман тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Ҳакимбаев Даврон Абдирахманович	1981	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши биринчи котиби	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси
Якубова Марҳамат Қўшаевна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Адвокатлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 декабрь.



– Ҳар бир кишининг ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, бундай қувонч ва ифтихор онларини у бир умр ёдида сақлаб, фахрланиб юради.

– Айни дамлар менинг ҳаётимда асло унутилмайди, – деди Зангиота туманидаги Тошкент генетика тажриба илмий-тадқиқот базасининг уруғчилик агрономи Каримберди Хайтов Конституция кuni муносабати билан давлат мукофотларини топшириш пайтида «Жасорат» медалини қўлига олтуриб. – Мустақил

давлатимнинг 36 йиллик муҳатларимни бунчалик юксак баҳолаш мен учун асло қутилмаган бахтдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимни вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди. Вилоят адлия бошқармаси бошлиги Бахтиёр Атаматовнинг Ўзбекистон

ИФТИХОР ОНЛАРИ

Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маърузаси тингланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спике-

ри Эркин Халилов топширди. Ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги самарали меҳнатлари ва эл-юрт ободончилигига қўшган салмоқли меҳнатлари учун

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида давлат мукофотлари билан тақдирланган илгорларга ордон ва медаллар топширилди.



СУРАТЛАРДА: ордон ва медалларни топшириш пайти; мукофотланганларнинг бир гуруҳи. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Таъбиркорлик

МАҚОМИ ҲАМ МАВҚЕИГА ЯРАША

Республика машинасозлиги марказларидан бири бўлган Чирчиқ шаҳрида мамлакатимиз саноатининг турли тармоқлари учун машина-механизмлар ишлаб чиқариш билан шугулланувчи қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу йил улар сафига яна бир хусусий тузилма қўшилди.

«Энергомаш» корхонаси халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқлари учун насослар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда тайёрланаётган энергонасослар пишиқ-пухталиги, мустаҳкамлиги, юқори сифати билан мижозларнинг ишончини оқлапти, шу боис талаб ортапти.

Таъбиркор Виталий Ли барпо этган бу хусусий корхона ўз фаолиятини 2000 йилда бошлаган эди. Уша вақтда жамоада бор-йўғи 3 киши ишларди. Уларнинг биринчи маҳсулоти консол насоси бўлди. Шу-шу турли маркали насосларни таъмирлаш, қайта тиклаш, айрим қисмларини бевосита корхонанинг ўзида тайёрлаш бирин-кетин йўлга қўйила бошлади. Орадан 2 йил ўтгач, ишлаб топилган соф фойда 500 минг сўмдан ошди.

2003 йилда фойда ҳисобидан замонавий дастоҳ сотиб олинди. Унда айрим эҳтиёт қисмларга ишлов берила бошланди. Қолиплар ишга туширилди. Корхонада маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилган. Мутахассислар жойлардаги корхоналарда бўлиб, фойдаланилмай ётган, ишга яроқсиз ҳолга келган насослар корхонага келтирилиб, таъмирланди. Улар учун зарур бўлган айрим қисмлар шу ерда тайёрланди. Таъ-

га сарфланди. Эндиликда корхонанинг ўзида бир неча хил насосларнинг қисмларини тўла тайёрлаш имконияти юзга келди.

Бу йил корхона ишчи-хизматчилари сони 168 кишига етди, натижада ишлаб чиқариш қуввати кескин ошди. Жамоа шаҳар машинасозлик корхоналари каторидан мустаҳкам ўрин олгани боис «Чирчиқ «Энергомаш» машинасозлик заводи» мақомига эга бўлди. Бу жамоага билдирилган катта ишонч ва ҳурмат эди.

Эндиликда корхонада турли русумдаги насослар тайёрланмоқда. Уларнинг ҳаммаси чет эллардан валютага сотиб олинмаган турдошларидан бир неча баробар арзон-



Тошкент давлат аграр университетда кадрлар тайёрлаш тизимида аграр таълим фани ва ишлаб чиқариш интеграциясига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида халқимизнинг кўп асрлик тарихий таърибаси, миллий интеллектуал меросимиз, шунингдек, умуминсоний кадрлар ҳисобига олингани муваффақиятлар омили бўлаётди. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси мазкур дастурнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилангани фан ва амалий таъриба уйғунлигига эришишда ва етук кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда аграр соҳа олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтилари олимлари, вазирилари ва идоралар вакиллари, ёш мутахассислар кадрлар тайёрлаш тизимининг ушбу элементлари интеграцияси борасида ўзаро таъриба алмашди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.

Эътироф

ки, мустақилликка эришилган дастлабки кезлари Ўзбекистоннинг давлатимиз раҳбари белгилаб берган таърибий ривожланиш йўлини муҳофизлашимиз, ҳатто хорижий айрим сиёсатдонлари ҳам саробий, афсонавий гап-сўзлар сифатида қабул қилган эдилар. Бугунги аҳвол мутлақо бошқача.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикаси, унинг истиқболи хусусида мутлақо ўзгача фикрлар билдириляпти. «Чет эллардаги таниқли сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар, — деб таъкидлади Президент Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, — ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган принципларга оғишмай амал қилса, албатта, келажаги буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда».

Албатта, бунга эришиш осон кечмади. Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўйга чиқариш кўп жиҳатдан мафқуравий тарбияга, одамларнинг маънавияти, тафаккури, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаоллигига боғлиқ эканлигини ҳаёт, ислохотлар таърибаси кўрсатиб турибди. Дилда иштиёқни кучайтириб, кўнгилда ишончни мустаҳкамлайдиган жиҳат шундаки, сўнгги бир йилдаги ютуқларнинг ўзи ҳам бу фаолият ортиб бораётгани, одамларда ташаббус ку-

чаяётганини тасдиқлайди. Вилоятимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида эришилаётган натижалар бунга аққол мисол бўла олади.

Бундай ўзгаришларнинг омилини кўп. Аввало, янгиланаётган жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг, бошқа



СУРАТЛАРДА: машинасозлар устози Беркин Бекмуродов; ишлаб чиқариш илғорларидан Галия Жавлиева (чапда) ва Людмила Фролова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

лиги ва айни вақтда пишиқ-пухталики қилишмаслиги билан ажралиб туради. Айримлари халқро бозорда ҳам рақобатбардош бўлмоқда. Жумладан, кимё саноатида ишлатиладиган «АХП» русумли насослар ноёблиги билан машҳур бўлиб кетди. Бу насос ички бозорда 112 миллион сўмга сотилмоқда. Чет элда эса унинг нархи бундан қарийб 2,5 баробар юқоридир. КА-8/18 насоси ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. Уни корхона жамоаси тўла тайёрлаб, мижозларга 375 минг сўмга етказиб бермоқда. Ваҳоланки, уни чет элдан сотиб олиш учун 750 доллар керак бўлади. Шунинг учун уларга буюртмалар тўтовсиз тушмоқда.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ БАРИДАН УСТУВОР

жамоат ташкилотларининг роли кучайиб бораётди. Улар аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифодалаб, «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» шиорини амалга оширишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар, ижтимоий-сиёсий баҳамжихатлик, фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшмоқдалар. Бу сазй-ҳаракатлар шу азиз юрт — ҳур ва озод Ватан — барчамизники, уни ардоқлаб, обод ва гўзал, тинч ва фаровон, қудратли мамлакатга айлантириш ўз қўлимизда, деган гоани оғ ва тафаккурларига сингдириб олган янги авлодни тарбиялашда асосий ўрин тутаётди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз маърузаси-

да ислохотларни чуқурлаштириш, янгиланиш жараёнларини қатъий билан давом эттиришга даъват этди. Шунда биз Ўзбекистонни ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган фаровон диёрга айлантирамиз.

Жамият ҳаётидаги янгиланишлар янгица қад-

ишлар янада кенг қўлам касб этади. Беш тамойил асосида ривожланиб бораётган мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳақида гапириб, давлатимиз раҳбари таъкидладики, социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағлар келгуси йили бюджет маблағларининг 54,1 фоизини ташкил этади. Лекин ижтимоий ҳимоя масаласи фақат давлат иши эмас. Бу борада давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, ижтимоий таъминот ва хайрия ташкилотлари, корхона ва ҳўжаликлар, хусусий таъбиркорлар — жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳамқор ҳамжихатликда иш олиб бориши лозим.

Ўтган йиллар давомида шундай ҳамжихатлик асосида ҳаётимиз янги жозиба касб этди, барча кучларни, уларнинг имконларини қовуштириб, жишлаштирувчи омилга айланди. Айни шу таъриба янги йилда «Меҳрибонлик уйлари», махсус тарбия муассасалари аҳолини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, етими-есир, қаровчисиз қолган болаларга гамҳўрликни кучайтиришга хизмат қилади. Ёшлар тарбияси, уларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади.

Шундай экан, жамиятдаги барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги инсонни тарбиялашни кучайтириш учун бу омилдан оқилона фойдаланайлик.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.



ТУМАН ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, хусусан, ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида техник воситаларни ижарага бериш пунктларини ташкил этиш йўлга қўйилмоқда. Вилоятда биринчилардан бўлиб ногиронлар учун ижара пункти ташкил этилган Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлими иш таърибасини ўрганиш мақсадида семинар ўтказилди. Унда виллоятдаги барча ижтимоий таъминот бўлимлари мутахассислари иштирок этишди.

СУРАТДА: виллоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шохид Миракаримова семинар қатнашчиларининг бир гуруҳи билан суҳбатлашмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАСАВВУРИМДА

Янгийўл туманидаги 27-умумтаълим мактабида «Президент асарлари билимдон»: кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда юқори синф ўқувчилари қатнашдилар.

Биринчи босқичда ўқувчилар «Президент фарзандларимиз» мавзусида ишроо ёздилар. Кейинги босқич озаки бўлиб, билимдонлар, зукколар танлаб олинди. Сўнгги учинчи босқичда эса, «Мустақиллик — менинг тасаввуримда» мавзусида ўқувчилар чизган расмлар ҳамда фотосуратлар кўргазмага қўйилди.

Ўқувчилардан Нодира Раҳматуллоева, Мадина Зокирова, Фотима Мирзалиева голий деб топилди, фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди. Мирза КАРИМ.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг Қ А Р О И

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Вилоят сайлов комиссиясига Ўзбекистон Таъбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидоикорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгашиларидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида» ги Қонун талабларига мувофиқлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида» ги Қонунининг 11, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Table with 7 columns: Сайлов округи номи, Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, Тугилган йили, Партияга мансублиги, Иш жойи ва лавозими, Турар жойи, Депутатликка номзод этиб кўрсатган ташкилот. Rows include candidates from various districts like 16-Янги ҳаёт, 22-Ғазалкент, 36-Оққўрғон, 43-Кориз.

Вилоят сайлов комиссияси раиси С. КУРБОНКУЛОВ. Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 декабрь.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган аънавий «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловида барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

- мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;
- мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ислохотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар;
- миллий мафқуранинг қарор топиши;
- она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;
- миллий гурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;
- кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;
- замонамиз қаҳрамонлари;
- мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;
- буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар қўламини.

Кўрик-танлов голийлари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танлов голийларини қимматбахо совринлар кутмоқда.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловида деб кўрсатилган ҳолда икки нусхада 2007 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87; 144-64-62.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИНСОНПАРВАРЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Инсонпарварлик тамойиллари асосланган жамияти- миз тараққиёт эл-юрт фаровонлиги, меҳнаткашлари- миз саломатлиги, маънан соғломлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада касба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши ва унга аъзо ташкилот- лар бир қатор хайрли тadbирларни амалга оширмоқ- далар.

Жамият ҳаётининг мезони бўлмиш Конституциянинг 14 йилги арафасида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган тadbирлардан бири — узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келадиган фаол ишчи, деҳқон ва хизматчилардан 200 нафарига саломатликда- рини тиклаш, мароқли кла- ринишлари учун сижатгоҳлар- га бепул йўлланмалар тар- қатилди.

«Бўстон» сижатгоҳи- да дам олишди. Агрисаноат мажмуи, таълим соҳаси, ёқилги-энергетика ва кимё саноати корхоналари, соғ- ликни сақлаш муассасала- ри, шунингдек, автотранс- порт, давлат ва жамоат хиз- мати ходимлари ва тadbир- корлар билан сижатгоҳда ўтказилган учрашув, кон- церт дастури тadbир қат- нашчиларга манзур бўлди.

Улар «Бўстон» сижатгоҳи- да дам олишди. Агрисаноат мажмуи, таълим соҳаси, ёқилги-энергетика ва кимё саноати корхоналари, соғ- ликни сақлаш муассасала- ри, шунингдек, автотранс- порт, давлат ва жамоат хиз- мати ходимлари ва тadbир- корлар билан сижатгоҳда ўтказилган учрашув, кон- церт дастури тadbир қат- нашчиларга манзур бўлди.

«Бўстон» сижатгоҳи- да дам олишди. Агрисаноат мажмуи, таълим соҳаси, ёқилги-энергетика ва кимё саноати корхоналари, соғ- ликни сақлаш муассасала- ри, шунингдек, автотранс- порт, давлат ва жамоат хиз- мати ходимлари ва тadbир- корлар билан сижатгоҳда ўтказилган учрашув, кон- церт дастури тadbир қат- нашчиларга манзур бўлди.

«Бўстон» сижатгоҳи- да дам олишди. Агрисаноат мажмуи, таълим соҳаси, ёқилги-энергетика ва кимё саноати корхоналари, соғ- ликни сақлаш муассасала- ри, шунингдек, автотранс- порт, давлат ва жамоат хиз- мати ходимлари ва тadbир- корлар билан сижатгоҳда ўтказилган учрашув, кон- церт дастури тadbир қат- нашчиларга манзур бўлди.

«Бўстон» сижатгоҳи- да дам олишди. Агрисаноат мажмуи, таълим соҳаси, ёқилги-энергетика ва кимё саноати корхоналари, соғ- ликни сақлаш муассасала- ри, шунингдек, автотранс- порт, давлат ва жамоат хиз- мати ходимлари ва тadbир- корлар билан сижатгоҳда ўтказилган учрашув, кон- церт дастури тadbир қат- нашчиларга манзур бўлди.

қийин. Шунинг учун вақти- вақти билан дам олиб, хордиқ чиқариб туриш зару- рлигини кўпинча бошқа- ларга уқтирамиз-у, ўзимиз- га келганда вақт топа olmay- миз, — дейди Олмаликдан келган тиббиёт ходими Са- бина Ҳасанова. — Йўланма сабабли «Бўстон»га келиб, дам олиш насиб этди.

— Касаба уюшмалари таш- килотлари томонидан уош- тириладиган хайрли тadbир- лар, хусусан, меҳнаткашлар- ни моддий ва маънавий қўл- лаб-қувватлаш маъноси- да кўрсатиладиган ҳамхўс- рлик, эътибор биз қишлоқ хўжалик ходимларини ҳам руҳлантириб юборди, — дей- ди окқўрғонлик фермер Мунаввархон Шоқирова. — Қолаверса, соғлиги тиклан- га, маънавий руҳий тетик кишиларнинг иши унумли бўлиб, келажакка, ўзига бўлган ишончи янада орти- шига шубҳа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, меҳнатга яраша рағбат олиш инсон руҳияти кўтариқлигининг зарур омилдир. Зеро, ин- сон, унинг яшаш, меҳнат қилиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш, дам олиш, соғлигини тиклаш, умуни ижтимоий ҳамояланиш каби ҳақ- хўққуқлари Бош Қомиссининг — Конституциянинг 37-

38-, 39-, 40-моддаларида ҳам белгилаб қўйилган.

Уз фаолиятини меҳнат- кашларни ижтимоий ҳамоя- лаш, моддий ва маънавий қўллаш асосида олиб бораётган вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида аҳолига кўрсатган ёрдамларини кўйидаги ра- қамлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Вилоятнинг 364 та корхо- насиде меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 1801 тасига 29 миллион 750 миң сўмлик, 382 та корхо- надаги кўп болаи оилалар- га 15 миллион 328 миң сўмлик, пенсионерларга 56 миллион 250 миң сўмлик, 759 нафар ногиронларга 16 миллион 105 миң сўмлик, шунингдек, уруш ва меҳнат фaҳрийлари, байналми- налчи жангчиларга, жами 50 миллион 773 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. 10 ой давомиде жами 8744 нафар кишининг дам олиш уйлари ва санаторий-про- фильаторийларда соғлиқла- рини тиклашлари учун 803 миллион сўм маблағ сарф- ланди.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент Ҳақиқати» муҳбири.

Сўраган экансиз

Баъзан археологик қазилмалар чоғида кўҳна ша- ҳарлар харобалари остидаги ертўлаларда ва кўмиб қўйилган хумларда сақланган қадимий китоблар то- пилётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Нодир китоб- лар нур тушмас жойларда сақланганлигиде бир сир борми?

Қамола ИСЛОМОВА, шифокор.

ХУМДАГИ КИТОБЛАР СИРИ

Маълумки қадимки шарқ мамлакатларида илм-фан, маданият тараққи- этган. Айниқса, китобларга катта хазина сифатида қаралган. Са- роийларда ирик-йирик кутубхоналар ташкил этилиб, турли соҳалар- га оид китоблар жам- ланган. Кейинчалик исти- лолар ва босқинчилар- нинг ўз маданиятини киритишга интилиши туфайли кутубхоналар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кета бошлаган. Ижод намуна- ларини қадрловчи ки- шилар бундай ноб ҳо- латларнинг йўқлиги кети- шига беэътибор бўлмаганлар, албатта.

лашган ёки хумларга жойлаб, кўмиб юбориш- ган. Ушбу ҳолат фақат шарқда эмас, гарбда ҳам рўй берганини кўраимиз. Биргина мисол, Араб Испаниясида хукронлик қилган Абдурахмон III китобга жуда меҳр қўйган, маънавияти юксак киши бўлган. У саройда ўнлаб хаттоларни тўплаб, уларга китоблардан нус- халар кўчиришни буюр- ган. Абдурахмон III кутуб- хонасида кўйидаги лаво- зимлар бўлган: кутубхона бошқарувчиси, махсус хатто, расмлар билан шуғулланувчи мусаввир. Кутубхона бошқарувчиси саройда энг обрўли лаво- зимлардан ҳисоблан- ган. Бағдод, Сурия, Алек- сандрия, Дамашқда мах- сус айгоқчилари бўлган. Улар янги асарлар ёзил- са, маълумот етказиб ту- ришган.

Ҳумларда қазилма маълумотларни олиб боришга кўп ҳаётнинг қадимки кўп болаи оилалар- га 15 миллион 328 миң сўмлик, пенсионерларга 56 миллион 250 миң сўмлик, 759 нафар ногиронларга 16 миллион 105 миң сўмлик, шунингдек, уруш ва меҳнат фaҳрийлари, байналми- налчи жангчиларга, жами 50 миллион 773 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. 10 ой давомиде жами 8744 нафар кишининг дам олиш уйлари ва санаторий-про- фильаторийларда соғлиқла- рини тиклашлари учун 803 миллион сўм маблағ сарф- ланди.

Кутубхона кейинчалик насронийлар қўлига ўтгач, унинг қошида тар- жимонлар мактаби очил- ган. Афсуски, таржима қилинган китобларнинг асл нусхалари бизгача етиб келмаган. Тарихдан маълум бўлишича, VIII-XV асрларгача Араб Испа- ниясида жами 2 милли- онга яқин турли-туман ки- тоблар тўпланган. XVI асрда араб китобларини диндорлар ва қироллар томонидан ёқиш тўғриси- да фармон чиқарилади. Бу ишни кардинал Синерос бажарган ва Испаниядаги Ар-Рамла майдонида китоблар тан- танали равишда ёқиб юборилган.

Испанияда археологик қазилма ишлари олиб борилиши натижасида ертўла ва хумларнинг ичинда бу қадим кутубхо- нага тегишли айрим ки- тобларгина топилган, хо- лос.

Дилдора ХОЖИМУРОВА, ТДПУ тарих факультети талабаси.

МИҲОЗ БАНКДАН МАМНУН

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 23 мартда қабул қилган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларда чорва моллари кўпайти- ришни рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғриси- да"ги қарориде тижорат банклари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юкла- тилган.

Бу эса мамлакатимиз- да чорвачиликни янада ривожлантириш, бу бо- рада банк муассасалари- нинг иштирокини кен- гайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Қарор ижроси юза- сидан туманимизда ҳам, сезиларли ишлар амалга ошириладиган, — дейди «Пахтабанк»нинг Пскент туман бўлими бошлиғи ўринбосари Мурод Абду- азимов. — Утган давр мо- байнида чорва моллари сотиб олиш учун кам таъ- минланган оилаларга 60 миллион сўмлик имтиёз- ли микрокредит ажрат- тилди. Шу кунгача 76 оила ана шундай имкониятдан фойдаланди.

— Банк ахратган 750 миң сўмлик кредит хисо- бидан сиз сотиб олдид, — дейди тумандаги Саид қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Хали- ма Бегматова. — Рўзғори- мизга барака кириб қолди. Ана шундай имко- ният яратиб берган Юр- тобимиздан миннат- дорман.

Л. СУВОНОВ, ўЗА муҳбири.

Кичик бизнес ва хусусий таабиркорлик

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

2000 йили Пскент туманида қишлоқ хўжалик махсу- лотларини қайта ишлайдиган «Қишлоқхўжаликбиото- мат» агрофирмаси ташкил этилган эди. Кичик жамоа сифатида иш бошлаган фирма эндиликде вилоятнинг шаҳар ва туманлари аҳолисига бир-бирдан сифатли тузлама, мураббо, кийм ҳамда томат пасталари етказиб бераётди.

Ҳозирги кунда фирмага 1200 фермердан мева ва сабзавотлар келтириладиган бўлди. Бу жараёнда асосий эътибор хомашёни қатъий тартибде сифат назоратидан ўтказишга қаратилган. Айни кунларда агрофир- ма Россия ҳамда Қозоғистон

Республикасига ўз махсулот- ларини етказиб бермоқда. Яқинда украиналик ҳамкор- лар билан ҳам шартнома ту- зилди. Корхонада замонавий технологиялар ёрдамида йил- лига 15 миң тонна қишлоқ хўжалиги махсулотлари қайта ишланаяпти ва 500

миң банкдан зиёд тайёр махсулот тайёрланаётди. — Жамоамизда меҳнат қилаётган ишчилар 30 на- фардан ошди, — деди агро- фирма раҳбари Эрмат Қоди- ров. — Келгусида ишлаб чи- қаришни янада кенгайтириш режамиз бор. Бунинг учун махсулотлар турини ҳамда миқозларимизни кўпайти- ришни мўлжаллаяймиз. Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТДА: агрофирма раҳбари Эрмат Қодиров опера- тор Дилфуза Жўраевага зарур йўл-йўриқлар бермоқда. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



РЕСПУБЛИКА КҮЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил 16 январь куни соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлисрал залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич оқиб бориш тартибида ўткази- ладиган очик аукцион савдосига кўйидаги кўчмас мулк объектлари ва автомо- транспорт воситалари қўйилади. 1. Ангрэн шаҳар суд ижрочилари бўли- маси томонидан хатланган, Ангрэн шаҳар, 5/4 даҳада жойлашган "Хўжалик моллари дўкон биноси" объекти. Бошланғич баҳо- си — 2 100 000 сўм. 2. Ангрэн шаҳар Суд ижрочилари бўли- маси томонидан хатланган, Ангрэн шаҳар, Чирқизова кўчаси, 4-уйда жойлашган "Дўкон биноси" объекти. Бошланғич баҳоси — 1 895 000 сўм. 3. Бекобод тумани суд ижрочилари бўли- маси томонидан хатланган, "Камаз- 55111" русумли, давлат рақами 10 АС 563 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган авто- транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 120 000 сўм. 4. Автотransпорт воситаси Бекобод тумани суд хўжалиги гаражиде сақланмоқда. 5. Окқўрғон тумани суд ижрочилари бўли- маси томонидан хатланган, "Нексия" русумли, давлат рақами 11 АН 420 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотransпорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 349 517,4 сўм. 6. Автотransпорт воситаси Окқўрғон тумани МТП гаражиде сақланмоқда. 7. Окқўрғон тумани суд ижрочилари бўли- маси томонидан хатланган, "Тико" русумли, давлат рақами 11 АС 722 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотransпорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 558 057,2 сўм. 8. Автотransпорт воситаси Окқўрғон тумани МТП гаражиде сақланмоқда.

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

"Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси

билан ҳамкорликде барча маҳаллий ва хорижлик сармоядорларни, бошланғич баҳосининг охиши ва сармоя киритиш мажбуриятлари олинниси тартибиде ўтказиладиган очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдолари 2007 йил 12 январь куни соат 11.00 да Давлат мулки қўмитаси биносиде ўтказилади. Танлов савдосига кўйидаги давлат объекти қўйилади:

Table with 6 columns: Корхона ёки объект номи, Жойлашган жойи (тум.шах), Сотилаётган Давлат активининг тури (пай, улш., акциялар пакети, тўлиқ мулклий мажмуа шаклида ёки мол-мулк), Асосий шартлар, Савдо тури, Бошланғич баҳоси. It lists three auction items with their locations and details.

Танлов савдоларида қатнашни хоҳлаган сар- моядорлар, савдо ўтказиладиган санадан ками- да уч кун олдин, ўз сармоявий тақлифлари ва кўйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: 1. Танлов қатнашчисининг талабнамаси; 2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижлик сар- моядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчи- хонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекис- тондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатла- ри нусхалари); 3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликде бел- гиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома; 4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлиги- ни тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқо- ро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; 5. Танлов савдоси объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблағ миқдори (таклиф баҳоси унинг бошланғич ба- ҳосидан кам бўлса, у қурби чиқилмайди); 6. Савдо яқунлари бўйича сармоядорга билдириш- нома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумот- лар; 7. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсати- лган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақиқидеги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертга солинмасдан шахсан тақдим этилади). Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари. Сармоя таклифлари икки нусхада (асли ва нусха- си) конвертга солиниб, маҳкамланган ва шахсий муҳр-

ТАШКИЛОТЧИЛИК

ИШИГА — АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Халқ-демок- ратик партияси вилоят кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Респуб- ликаси Президенти томо- нидан Қонунчилик палатаси- га «Давлат бошқарувини янги- лаш ва янада демократ- лаштириш ҳамда мамлакат- ни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»- ги Конституциявий қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларининг киритилиши муносабати билан партия ташкилотлари ва депу- татлик Бирлашмаларининг ташкилий ва сиёсий вази- фалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ишти- рокчилар Қонунчилик палатаси- га киритилган ҳужжат- ларнинг принципал қоидаларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг муҳокама этилиши ва қабул қилиниши партия- ларнинг устив фаолияти фал- олашувига хизмат қиладди, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий тизими- нинг бу муҳим институтлари- нинг ишида бевосита ишти- рок этишга қизиқишни оши- ради деб тасдиқлашди.

Мазкур қонун лойиҳала- ри кунга киритилганидан сўнг шаклланадиган янги ҳуқуқий муҳит шароитиде ишлашга партия ташкилот- ларини изчил тайёрлаш кат- та аҳамиятга эгалиги, ташки- лий-сиёсий тadbирлар юқори савияда ўтишини таъминлаш лозимлиги ало- ҳида уқдрилди. Махлис Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига ма- зкур қонун лойиҳаларининг киритилиши муносабати билан вилоят партия кенга- шининг ташкилий ва сиёсий тadbирлари дастурини қабул қилди.

Баҳодир ВАҲОБОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари.

Advertisement for 'Тошкент вилояти ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ҳамда тadbиркорлар диққатига!' (Attention of external economic activities and entrepreneurs of Tashkent region!). Includes dates: 2006 йил 15 декабрь, phone numbers, and information about the 'Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси' (Uzbekistan Customs Code) and related services.

